

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ВА
ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
(ЎзМЭИ)



(Юбилей маълумотномаси)

УЗБЕКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
МЕХАНИЗАЦИИ И ЭЛЕКТРИФИКАЦИИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА
(УзМЭИ)

УзМЭИ – 75 лет

(Юбилейный проспект)

Гулбаҳор – 2008

Ушбу маълумотнома Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтининг 75 йиллик юбилейига бағишиланган. Маълумотномада институтнинг ташкил топиш даври ва қисқача ривожланиш тарихи ҳамда шу даврда бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишдаги ютуклари, юқори малакали илмий мутахассислар (фан номзодлари ва докторлари) тайёрлашдаги маълумотлар, институтда кўп йиллар давомида ижод қилган, Ўзбекистонда механизациянинг ривожига салмоқли ҳисса кўшган таникли олимлар ҳакида маълумотлар берилган.

Тузувчи ва матн муаллифи академик А.Хожиев
Нашр этишга масъуль т.ф.д. проф.Р.Бойматов
Мухаррир т.ф.н. Р.Спеваков

Мундарижа

| | |
|---|----|
| ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ 75 ЁШДА | 3 |
| Илмий кутубхона ва патент-ахборот хизмати | 7 |
| ИТИни режалаштириш ва мувофиқлаштириш | 8 |
| Илмий кадрлар тайёрлаш | 8 |
| Институтнинг илмий алоқалари | 9 |
| Институт моддий техника базасини яратиш ва ходимлар турмуш шароитларини яхшилаш | 10 |
| Тажриба хўжалиги | 11 |
| Институт фаолияти, натижалари ва истиқболи | 12 |
| Институтнинг ташкил топишида ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига механизациянинг ривожланишига салмоқли ҳисса кўшган таникли олимлар | 15 |
| I. Первые машины не имевших аналогов | 24 |
| II. Комплекс машин, разработанных институтом в содружестве с конструкторскими организациями и машиностроительными заводами | 24 |
| III. Машины, разработанные в последние годы..... | 26 |

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ 75 ЁШДА

Қишлоқ хўжалик техникасини яратиш, лойиҳалаш, ясаш ва ишлатишида бошқа ҳамкорлар билан ҳамкорликда пахтачилик машиналарининг илмий ва амалий масалалари билан шуғулланиб келаётган Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти ташкил этилганига 75 йил тўлди.

Ўрта Осиёда дехқончилик жараёнларини механизациялаш тарихи ушбу институтнинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Ўтмишда тупроқни экишга тайёрлаш, экиш ишларини бажаришда ўзбек дехқонлари энг оддий куроллардан, жумладан омоч, мола, кетмондан фойдаланар эди. Чигит ва дон экиш факат қўлда бажарилар эди.

Ўзбекистонда XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб машина синаш станцияси ва прокат пунктлари ташкил бўлди.

Станциянинг ишлаш жараёнида қишлоқ хўжалик экинлари етишириш агротехникасини чуқур ўрганиш талаб қилиниши аниқланди. Шу максадда 1914 йилда станцияда агротехника бўлими ташкил этилиб, ҳосилдорлик тупроқни тайёрлаш технологиясига боғлиқлиги ҳамда унинг иқтисодий самарадорлиги ҳам аниқланди. Кўпгина дон янчиш ва бошқа техникалар синовдан ўтказилиб, тегишли тавсиялар берилди.

1918 йилда станция Туркистон ва, кейинчалик, Ўрта Осиё Давлат университети ихтиёридаги машинашунослик институти қарамоғига ўтказилди. Шу вақтдан бошлаб институт ва унииг машина синаш станцияси пахтачиликни механизациялаш соҳасида илмий, конструкторлик ва ўқув ишларини ташкил этувчи биринчи илмий ташкилот бўлиб қолди.

1924 йилгача станция томонидан анча ишлар бажарилди, жумладан трактор ва яратилган машиналарнинг Ўрта Осиёдаги тури хил тупроқ-икклим шароитларига мослигини синаш ва уларнинг ишлов муддатлари, иш унумлари аниқланди. Тракторларни таққослаш, машинашунослик бўйича кўплаб кадрлар тайёрланди.

У вақтда тракторчилар йўқ эди. 1924 йилда Ўзбекистонга “Фордзон” (США) фирмасининг 55 та тракторлари келтирилди ва Ўрта Осиёда биринчи тракторчи-механик тайёрловчи курслар ташкил этилиб, шу йилда 90 тракторчи, 1925 йилда 254 тракторчи тайёрланди. Уларнинг асосий қисми ўзбеклар ва ерли халқ вакиллари эди.

Республикани техника билан таъминлаш йилдан-йилга кўпайиб, 1925 йилда Туркистонга 529 та трактор келтирилди ва 1934 йилда уларнинг сони 13541 тага етди.

1931-1932 йилларда Республикада 24 минг тракторчи, механик-бригадир ва шоферлар тайёрланди.

1929 йилда Республикага келтирилаётган “Фордзон” тракторлари қишлоқ хўжалигининг ўсиб бораётган талабларини тўлиқ қаноатлантира олмай қолди.

Ўзбекистонлик (хусусан, Узбексельсклад) мутахассислари томонидан республикага келтирилган тракторларни ушбу талабларга мослаштириш принциплари ишлаб чиқилди. Бизнинг шароитларимизга мос келувчи қатор ораларига ишлов берувчи, сугориш учун эгатлар очувчи, ғўзага ўсиш даврида шикаст етказмайдиган тракторлар керак эди.

Шу талабларга биноан 1934 йилда “Универсал” трактори ишлаб чиқарила бошланди. Бу трактор учун сеялка ва культиваторлар “Красний Аксай”, “Ростсельмаш” ва “Ташсельмаш” заводларида тайёрланди. Бундан ташқари Ўзбекистон ҳукумати томонидан техника воситаларига қуидаги талаблар кўйилган эди:

- 1) Ўзбекистонга келтирилаётган тракторлар бир хил тизимда бўлиши;
- 2) Бу тракторлар ҳамма хил машиналар билан таъминланиши (плуг, сеялка, борона ва бошқа машина ва мосламалар);
- 3) Трактор агрегатлари отряд бўлиб ишлаши;
- 4) Ҳар бир механизатор ишларини мустақил равишда бажариши;
- 5) Тракторчи тракторни ишлатишга керак барча асбоб-ускуналар билан таъминланиши;
- 6) Тракторларни ремонт қилиш учун эҳтиёт қисмлар билан таъминланиши.

1928 йилда Пахтачилик бўйича бош Кўмита (ГХК) Пахтаорол совхозида машина синаш пункти (МИП) ни ташкил этди. Бу пунктнинг асосий вазифаси республикага келтирилаётган тракторларни синаш ва юқорида айтилган талабларга жавоб беришини аниқлаш ва шунингдек республикада тракторларнинг кўп маркали бўлишига йўл қўймаслик эди.

Республикага келтирилган машиналарни синашдан ташқари ўзимизда инженерлар, ихтирочилар томонидан яратилган машиналарни ўз заводларимизда ишлаб чиқариш ишлари бошланди.

Жумладан, 1930 йилда Главхлопкомнинг устахонаси базасида “Ташсельмаш” заводи курилиши бошланиб, 1931 йилда ишга туширилди ва қишлоқ хўжалиги учун сеялка, культиватор, чизел-ўғитлагичлар, бороналар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқариш бошланди. 1931 йилга келиб машиналарни синаш, яратиш бир-бирига боғлиқ бўлмаган қуидаги 4 та ташкилот томонидан бажарилар эди:

1. СредазНИХИнинг механизация бўлими. Ҳозирги ЎзМЭИ жойлашган “Қовунчи” қишлоғида жойлашган эди.
2. Тошкентда жойлашган “Узнаркомзем”нинг машина синаш станцияси (МИС-НКЗ).
3. Пахтачилик бўйича бош Кўмитанинг (ГХК) Пахтаоролдаги машина синаш пункти.
4. Ўрга Осиё давлат университетининг (МИС САГУ) машина синаш станцияси.

Эндилиқда ушбу ташкилотларни бирлаштириш мақсадга мувофиқ бўлди. Ҳукуматимизнинг қарорига биноан 1931 йили бу 4 илмий ташкилот бирлаштирилиб, САСМЭХ – Ўрта Осиё пахтачиликни механизациялаш ва электрлаштириш станцияси ташкил этилди. Унинг асосий базаси Янгийўлдаги “Қовунчи” совхоз худудида СредазНИХИнинг механизация бўлими асосида ташкил этилди. 1931 йил Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (ЎзМЭИ) ташкил топган йил, деб хисобланади.

Бу илмий даргоҳ ўзининг 75 йиллик фаолияти давомида турли юкори ташкилотлар қаромоғида бўлиб, номлари ҳам ўзгариб турди.

Ўрта Осиё пахтачиликни механизациялаш ва электрлаштириш станцияси 4 та илмий бўлим – агротехника, тупрокка ишлов бериш ва экиш, пахтани териш ишларини механизациялаштириш, трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини ишлатиш ва таъмирлаш, тупрок физикаси ва химияси лабораторияларидан иборат бўлиб, 24 нафар илмий ходими, шу жумладан 5 нафар фан номзоди, 10 нафар катта ва 9 нафар кичик илмий ходимлари, 37 нафар техник ходимлари бор эди.

Станциянинг илмий йўналишлари қуйидагича белгиланган эди:

1. Мавжуд трактор, қишлоқ хўжалик машиналарини синаш ва уларни ишлатишга доир тавсиялар ишлаб чиқиш;

2. Пахтачилиқда ишларни механизациялаштириш мақсадида илмий ишлар килиш, машиналарнинг янги конструкцияларини ишлаб чиқиш, уларни металда тайёрлаш ва синаш;

3. Янги яратиладиган машиналарга агротехник талаблар ишлаб чиқиш.

1938 йилдан бошлаб станция ЦСМАХ СоюзНИХИ, яъни “Пахтачиликда ишларни механизациялаш ва агротехникасини ишлаб чиқариш Марказий Станцияси” номини олиб, механизация ва агротехника илмий ишлари узвий равишда боғлаб олиб бориладиган бўлди.

Станциянинг биринчи ишларидан – Ўзбекистонга кириб келган 29 хил плугларни ҳар хил тупрок-икълим шароитларида синаб, станция ишлаб чиққан агротехник талабларга асосан ТПУ-5 № 3 плуги танлаб олинди. Иккинчидан, шудгорни баҳорда кўп марталаб ҳайдашга асос йўқлиги исботланди ва НАРКОМЗем томонидан маъқулланиб, хўжаликлар учун кўлланмалар ишлаб чиқилди. Ерларни 30 см чуқурликда ҳайдаш ҳар томонлама исботланди. Кўп йиллар давомида шудгорни 18-20 см чуқурликда ҳайдаш натижасида тупроқнинг пастки қисми зичланиб кетганлиги натижасида ғўза илдизларининг яхши ривожланмаслиги ҳам исботланди. Тупрокка экиш олдидан чизеллар ёрдамида ишлов беришнинг асосий илмий асослари яратилди ва СКО, СКЛ чизеллари кўплаб ишлаб чиқарила бошлади.

Пахта сеялкалари учун ишлаб чиқилган агротехник талаблар асосида тракторга мўлжалланган ССЖ, СА сеялкалари, отларга мўлжалланган уялаб экувчи СГК-1 ҳамда “Ташселмаш” заводи томонидан ССК сеялкалари кўп миқдорда ишлаб чиқилди.

Тракторга осиладиган культиваторга ҳам агротехник талаблар ишлаб чиқилди ва натижада Америкадан олиб келинган МКЖМ-408 культиваторининг ўрнига янада мукаммалроқ СКК ва КД культиваторлари “Ташсемаш” заводи томонидан кўплаб ишлаб чиқилди.

Минерал ўғитларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида плугга, чизел культиватор ва очарларга ўғитлагич мосламалари яратилди ва кўплаб ишлаб чиқилди.

Станция 1934-1940 йиллар давомида 244 хил машина ва мосламаларни синовдан ўтказди. Шулардан 51 таси кўплаб ишлаб чиқилди.

1939-40 йилларда вертикал шпинделли пахта териш машинаси териш аппаратларининг технологик схемаси, кинематикаси ва бошқа ўлчамлари аниқланди ва натижада ХВШ пахта териш машинасининг конструкцияси яратилди. 1948 йилда дунёда биринчи марта вертикал шпинделли пахта териш машинаси яратилди. “Ташсемаш” заводи томонидан тайёрланган 30 та машинанинг 12 таси Янгийўл туманида, 10 таси Ўзбекистон 5 йиллиги совхозида, қолганлари Озарбайжон, Украина ва Жанубий Козогистонда ишлади.

1954 йил пахтачиликни комплекс механизациялаш соҳасида катта бурилиш илини бўлди: ҳукуматимизнинг Карори асосида ВИЭСХ Тошкент бўлимиининг ЦСМАХ негизида Ўрга Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (САИМЭ) ташкил бўлди ва унга пахтачиликда технологиялар ва машиналар тизимини яратишда бош институт мақоми берилди. Институтга катта масъулият юкланди:

Биринчидан – тупроқни шудгорлашдан бошлаб ғўзапояни йигиб олишгача бўлган барча жараёнларни механизациялашнинг илмий асосларини ва машиналар тизимини яратиш;

Иккинчидан – бу машиналарни агрономия фанининг сўнгги илмий натижалари асосида яратиш;

Учинчидан – бу машиналар пахтанинг ҳосилдорлигини ва иш унумини ошириш билан бирга унинг таннархини камайтиришни таъминлаш.

Бундан ташқари машиналардан фойдаланиш ва ишлатишнинг янги услубларини ишлаб чиқиши, ишлаб чиқаришга электрлаштириш ва автоматлаштириш ишларини қўллаш ҳамда ишлаб чиқаришга институтнинг янгиликларини тадбиқ ва тарғиб қилиши зарур эди.

Институт ўз илмий ишларини қишлоқ хўжалиги машиналарини лойиҳаловчи ва ишлаб чиқариш корхоналари – конструкторлик бюоролар ва “Ташсемаш”, “Ўзбексемаш”, “Чирчиксемаш”, ТТЗ ва бошқа кўп заводлар билан биргаликда олиб борди. Булар билан ҳамкорликда иш дастурлари ишлаб чиқилар эди.

1970-88 йиллар давомида институтнинг тажриба заводи қайта қурилди, тупроқ канали, янги лаборатория бинолари қурилди ва замонавий асбоб ускуналар келтирилди.

Бу ишлар ўз натижасини берди. Жумладан 1983 йилгача 29 хил янги ва такомиллаштирилган машиналар қишлоқ хўжалигига тадбиқ этилган бўлса, 1986-1990 йилларда эса 35 хил машина ва мосламалар тадбиқ этилди, 28 та агротехник талаблар ишлаб чиқилди.

1988 йили институтга илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси – НПО “Средазсельхозмеханизация” мақоми берилиб, унинг ихтиёрида экспериментал завод ва тажриба хўжалиги биргаликда иш бошлади. Бирлашманинг асосий вазифалари илмий ишларни чукурлаштириш билан бирга экспериментал заводда ишлаб чиқилган машиналарни биринчи навбатда тажриба хўжалигига ва бошқа хўжаликларда қўллаш ҳисобланарди.

1989 йилда САИМЭ бошчилигига “Кишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-ишлаб чиқариш тизими” пойдеворига биринчи гишт кўйилган эди. Унинг таркибига 14 хўжалик киритилган бўлиб, улар Тошкент, Қашқадарё, Фарғона, Андижон, Чимкент вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан эди.

2000 йилдан бошлаб ЎзМЭИ ишлаб чиқсан технологиялари асосида юкори иш унумига эга техник воситаларни ишлаб чиқаришга жадал жорий қилиш ва улардан унумли фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги ва “Узагромашсервис” томонидан ҳар бир вилоятларда таянч хўжаликлар ва машина-трактор парклари ажратилди.

Илмий кутубхона ва патент-ахборот хизмати

Асосий илмий ишлар янгилик яратиш, тадқиқотлар, яъни ихтиро этиш билан бажарилган. Институт ташкил бўлгандан бўён 1600 дан ортиқ ихтиро учун талабномалар берилган бўлса, шулардан 850 тасига собиқ Иттифоқнинг муаллиф гувоҳномалари ва 87 тасига Ўзбекистон Республикасининг патентлари олинган.

Шулардан айримлари пахтачилик машиналарининг конструкцияларида қўлланилган: П.В.Кажихиннинг № 29656 ихтироси асосида ишланган ўғит сепиши аппарати, Л.М.Розенблюминнинг № 56291, № 75225, № 98730 пахта териш аппарати, М.С.Фаниев, К.П.Юшиннинг № 102356 кўсак териш машинаси; Н.Р.Рашидовнинг № 271320, № 329046, № 529998 транспорт поезди, Г.М.Рудаков ва бошқаларнинг № 364274 икки ярусли плуги, Д.М. Шполянскийнинг № 207760 яруслаб пахта териш машинаси, А.Хожиев, А.Қорахоновнинг № 614760 айланувчи мотигаси, Г.М.Рудаков, Р.И.Бойматовларнинг № 575058 кўп йиллик бегона ўтларнинг томирини терувчи машинаси ва бошқалар.

Ҳозирги кунда институтнинг патентлар фондини 158 минг ихтиро ва патентлар ташкил этади.

Институтда патент-ахборот ишларини ташкил этишда Л.С.Голишев (1961-1968 йй.), В.А.Обидин (1970-1972 йй.), кейинчалик Г.Г.Леонов, Ю.М.Рудаков, Н.Д.Рахманов, А.С.Дадабоевлар хизматлари бекиёсdir.

Институтнинг илмий техника кутубхонаси Главхлопкомнинг минерал ўғитлар марказининг китоблар фонди асосида 1927 йилда ташкил топган бўлиб, 100 минг донадан ортиқ китоблар, ойномалар бор. Кутубхонада кўп йиллар давомида О.Х.Омелченко, М.Кундузова, Т.Каравашкиналар хизмат қилди. Ҳозирги кунда кутубхона хизматини О.Макарова бажармоқда.

ИТИни режалаштириш ва мувофиқлаштириш

1975 йилга келганда илмий-тадқиқот ишларини режалаштириш ва бошқа хамкорлар билан мувофиқлаштиришнинг кўплиги туфайли битта илмий котиб бу ишларни бажара олмаслиги маълум бўлди.

Шунинг учун 1975 йилдан эътиборан, аспирантура, илмий бўлим, архив, иш юритиши ва машбюrolарни таркиби олган мувофиқлаштириш ва режалаштириш бўлими ўз фаолиятини бошлади (Г.Н.Ким, В.Ф.Юдин, Л.Куръянова, И.Мамажонов, С.Аскерова, Т.Н.Воробьева). Бўлимга 1975 йилдан Г.Н.Ким, 1998 йилдан 2004 йилгача Р.И.Спеваков раҳбарлик қилган.

Бўлим ДИТК давлат илмий техник дастурини бажариш бўйича илмий лабараторияларнинг илмий-тадқиқот ишлари бажарилишини систематик назорат қилиш, йиллик мавзулар режасини ишлаб чиқиш, Илмий Кенгашда кўриб чиқиладиган хужжатларни тайёрлаш, бўйруқлар, фармойишлар лойиҳасини тузиш ва бошқа шунга ўхшаш вазифаларни бажарган.

Ҳозирги кунда ушбу вазифаларни институт илмий котиби К.Д.Астанақулов бажарайти.

Илмий кадрлар тайёрлаш

1958 йилда САИМЭда аспирантура бўлими ташкил бўлгунга қадар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш ихтисослиги бўйича илмий кадрлар тайёрлаш СоюзНИХИ аспирантураси орқали амалга оширилган. Кўзга кўринган олимлар – академиклар Г.М.Рудаков ва М.А.Ахмеджанов, профессорлар Д.М.Шполянский ва М.С.Ғаниев, қ.х.ф.н. А.Ю.Абдумуталов, т.ф.н. В.А.Сергиенко ва бошқалар СоюзНИХИ аспирантурасида ўқиб, ўзларининг илмий-тадқиқот ишларини ЦСМАХ СоюзНИХИда бажаришган (Д.Х.Ҳасанова биринчи бўлиб аспирантура бўлимига раҳбарлик қилган).

В.П.Кажихин, Т.Г.Зинин, А.Н.Нинов каби илмий ходимлар диссертацияларини аспирантурада ўқимасдан, станцияда бажарган илмий-тадқиқот ишлари асосида химоя қилишган. Институт ташкил бўлгандан буён институтда бажарилган илмий-тадқиқот ишлари натижалари асосида 354 нафар илмий ходим ва аспирантлар ўзларининг номзодлик ва докторлик (14) диссертацияларини химоя қилишган.

Ш.У.Йўлдашев, Н.А.Куламетов, Н.Р.Рашидов, Р.И.Бойматов, А.Н.Садиров ва бошқалар аспирантурани битиргандан сўнг бир йил ичидаги номзодлик диссертацияларини химоя қилганларни билан алоҳида ажратлиб туради.

Институтнинг кекса илмий ходимлари – т.ф.н. Спиридонов, академиклар Г.М.Рудаков, М.А.Ахмеджанов ва Н.Р.Рашидов, профессорлар М.С.Ғаниев, Д.М.Шполянский, қ.х.ф.н. А.Ю.Абдумуталов, т.ф.н. В.А.Сергиенколар илмий кадрлар тайёрлашга ўзларининг катта хиссаларини кўшишган.

1982 йил 28 январда ОАК томонидан институттага 05.20.01 – “Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш” ва 05.20.03 – “Қишлоқ хўжалик техникалари ва воситаларидан фойдаланиш ва таъмирлаш” ихтисослиги бўйича техника фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ихтисослашган кенгаш очишга руҳсат берилиши институтимиз тарихидаги ёрқин саҳифалардан бири бўлди. Кейинчалик ОАК 05.20.01 – “Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш” ихтисосликлари бўйича докторлик диссертацияларини химоя учун қабул килишга руҳсат берди. Ихтисослашган Кенгаш очилгунга қадар 187 нафар аспирант ва тадқиқотчи ўзларининг диссертацияларини собиқ Иттифоқнинг бошқа шаҳарларида химоя қилишган. Ихтисослашган Кенгаш ўз ишини бошлагандан бўён Ўзбекистон ва МДҲ мамлакатларининг 26 та ИТИ ва олий ўкув юртларидан 260 нафар аспирантлар, докторантлар ва тадқиқотчилар ўзларининг номзодлик ва докторлик диссертацияларини химоя қилишган, шу жумладан ЎзМЭИдан 154 нафар номзодлик, 5 нафар докторлик диссертациялари химоя қилинган. Узоқ йиллар (1964 йилдан) аспирантура бўлимига И.Мамажонов раҳбарлик килган. Ҳозирги кунда аспирантура бўлимига А.С.Дадабоев раҳбар.

Бугунги кунда 3 нафар докторант, 4 нафар аспирант ва 14 нафар тадқиқотчи техника фанлари номзоди ва доктори илмий даражаларини олиш учун ўз диссертациялари устида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришаётпти. Тадқиқотчиларнинг асосий қисмини Қорақолпоғистон Республикаси, Андижон, Наманган ва Республикамизнинг бошқа вилоятлари олий ўкув юртларининг ўқитувчилари ташкил этади. Шуни таъкидлаш керакки, ихтисослашган Илмий Кенгаш аъзоларининг кўпчилиги ўз вактида ва ҳозирги кунда ҳам қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш бўйича юқори малакали олимлар ҳисобланади: академиклар Г.М.Рудаков, А.Д.Глущенко, О.В.Лебедев, С.С.Негматов, Н.Р.Рашидов, М.А.Ахмеджанов, Ш.У.Йўлдашев, муҳбир-аъзолар Р.Д.Матчанов, С.М.Қодиров, Р.Х.Ҳусанов, профессорлар, М.С.Ғаниев, З.С.Турсунхўжаев, Р.И.Бойматов, Д.М.Шполянский, Т.Аскархўжаев, Ш.В.Сайдов, М.М.Муродов, А.И.Корсун, Р.С.Назаров ва ёш техника фанлари докторлари М.Т.Тошболтаев, А.Тўхтакўзиев, М.Шообидов, Ф.Маматов ва бошқалар. Уларнинг ҳисобига химоя қилинадиган диссертациялар ишchan ва юқори савияда музокара қилинади.

Ҳозирги кунда ихтисослашган Кенгаш бирлаштирилган ва ТИМИ (Тошкент ш.) ҳузурида ишляяпти.

Институтнинг илмий алоқалари

Институтимиз илмий ишлар юзасидан бошқа илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик ташкилотлари, машинасозлик корхоналари ва Республикамиз хўжаликлари билан яқиндан алоқа қиласиди.

Янги машиналар яратиш, мавжудларини такомиллаштириш, пахта ва бошқа техник экинларни етиштириш учун янги технологик жараёнларни ишлаб чиқишидаги илмий изланишларда институт 12 та илмий-тадқиқот институтлари, 19 та маҳсус конструкторлик бюролари ва заводлар билан ҳамкорликда иш олиб борган. Булар жумласига СоюЗНИХИ (хозирги ЎзПТИИ), ВИМ, НАТИ, ВИСХОМ, САНИИЭСХ, ТУРКНИИЗ, ЦНИИХпром (хозирги “Paxtasanoatilm”), пахтачилик машиналари бўйича БМКБ, “Алтайсельмаш” МКБ, ирригация бўйича БМКБ, “Средазгипроводхлопок” институти ва бошқалар киради.

1970 йилдан бошлаб хозирги кунгача пахтачилик машиналари бўйича БМКБ (хозирги “БМКБ-Агромаш” ОҲЖ) билан жуда яхши ишчан ҳамкорлик ўрнатилган. Бу ташкилотга Е.В.Радкевич, П.М.Мирза-Ахмедов, Р.Д.Матчанов, Э.Джамиловлар раҳбарлик килган. Экспериментал тадқиқотлар ва ишлаб чиқариш синовлари 26 та хўжаликда (собиқ колхоз ва совхозларда) ва Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Кашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларидағи 4 та тажриба станцияларида ўтказилган.

Хозирги даврга келиб аввалги алоқалар бир оз сусайган ва чет эллик илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмаяпти. Пахтачилик машиналари бўйича БМКБ ходимлари Г.И.Пальмин, Г.В.Горобец, Б.Раев, О.В.Лазарев, Н.Б.Барер, П.И.Зильберман, Г.А.Приходько, П.Ф.Глазатов, А.Е.Басевич, А.А.Воронкин, А.Н.Слободкин, И.Н.Азаров ва бошқалар қишлоқ хўжалиги учун янги техникаларни ишлаб чиқишида энг яқин илмий ҳамкорларимиз эди. БМКБ билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг режалари, бажариш муддатлари ва масъул шахслар кўрсатилиб тузилган. Шунга ўхшаш ҳамкорликда ишлаш режалари бошқа конструкторлик ташкилотлари билан ҳам мавжуд бўлган. Бу яхши натижаларни берган. Ҳамкорликдаги ишлар натижасида 1971-1975 йилларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига 29 турдаги машина, бошқа техник воситалар ва технологиялар жорий этилди.

Хозирги пайтда “Чирчиксельмаш” ва “Ўзбекқишлоқмаш” ОҲЖлари билан икки ярусли плугнинг янги модификацияси ва донли экинлар уругини экадиган сеялкаларни, “Трактор” МКБ билан эса минерал ва органик ўғитларни сепадиган ҳамда сабзавотчиликка мўлжалланган тракторни ишлаб чиқариш бўйича яхши алоқалар ўрнатилган.

Институт моддий техника базасини яратиш ва ходимлар турмуш шароитларини яхшилаш

Республикамиз ҳукумати институт моддий техника базасини мустахкамлаш ва ходимларнинг турмуш шароитларини яхшилашга катта эътибор бериб келаяпти.

1975 йилдан бошлаб 1990 йилгача ҳукуматимиз томонидан институтга ҳар иили 1 миллион сўмдан ортиқ капитал маблағ ажратиб келинган. САИМЭда қурилаётган обьектлар доимо ҳукуматимиз назоратида бўлган. Ш.Р.Рашидов бошчилигида ҳукумат аъзоларининг институтга бир неча бор қилган ташрифи қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасини ривожлантирибгина қолмай, керакли миқдордаги маблағ, ресурслар ажратиш ҳамда институтда барпо этилаётган обьектларни тезроқ қуриб битказишида турткни бўлди.

Республика ҚҲВ (Э.Т.Шайхов, А.А.Уркинбоев), САО ВАСХНИЛ, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлар академияси (А.И.Имомалиев, Ш.А.Акмалхонов, С.Н.Усмонов, Ш.И.Ибрагимов) томонидан ажратилган маблағлар институт моддий техника базасининг мустаҳкамланишига ҳамда ходимлар иш шароитларининг яхшиланишига ёрдам берди.

Пахта теришни механизациялаш, пахтадан бошқа экинлар етиштиришни механизациялаш, машина-трактор паркларидан фойдаланиш бўйлимлари учун жуда муҳим бўлган стенд заллари билан бирга ишлаб чиқариш лаборатория корпузлари қуриб битказилди. Бундан ташкари, тажриба заводи қайта таъмирланиб куввати 4 марта га оширилди, 200 бош қорамол, 120 бош бузокка мўлжалланган чорвачилик мажмууси, трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирлаш учун устахона билан автотрактор парки, Қоракулдуқдан сув тортиш учун насос станцияси (200 л/с), 430 ўринли болалар боғчаси, 450 ўринли маданият саройи, барча шароитлари мавжуд бўлган ҳаммом, марказий қозонхона, 6 та магазинни бирлаштирган савдо мажмууси, САИМЭдан Қирдагача 4,5 км йўл ва Қоракулдуқ учун кўпприк қуриб битказилди. Қирда худудида 60 га ер ўзлаштирилиб, ахолини ичимлик суви билан таъминлаш учун 7 та қудук ковланди. Энг муҳими – 460 тадан ортиқ институттинг илмий ходимлари, механиклари, лобарантлари, тажриба заводи ва тажриба хўжалиги ишчилари барча куляйликларга эга бўлган янги уй-жойларни олдилар, аспирантлар ва докторантлар эса оиласидай ётоқхонага яқин барча шароитларга эга бўлган 35 та оила билан яшайдиган умумяшаш уйини олдилар. Шундай қилиб, уй-жой муаммоси муваффақиятли ҳал бўлди.

Бизнинг бурчимиз узок йиллар давомида бунёд этилган мана шу бинолардан тўғри фойдаланиш ва уларни сақлашдан иборат.

Тажриба хўжалиги

Юқори ташкилотларнинг қарорига асосан ЎзМЭИ тажриба хўжалиги 5 та пахта-буғдой ва 6 та боғдорчилик фермер хўжалиигига айлантирилди. Институт ихтиёрида 24,6 га майдон тажриба участкаси сифатида қолдирилди.

Чорвачилик фермаси учун 65,8 га майдон ем-ҳашак экиш учун берилди. Тажриба хўжалигида узок йиллар Т.Эшқулов, М.Т.Пашков, Я.П.Липилин, А.Е.Кудрявцев, А.Н.Жуков, Я.Ф.Маслов, А.Р.Гених, Ш.Раисов каби “Республикада хизмат кўрсатган пахтакор” унвонига сазовор бўлган инсонлар меҳнат қилганлар.

Тажриба хўжалиги директори лавозимида қўйидагилар ишлаган: В.Б.Адабашев, Ҳ.Ҳакимжонов, Р.Қаюмов, Ж.Сойибназаров, М.Ахмеджанов, Ю.А.Мансуров, Р.Мирсаидов. Ҳозирги кунда бу тажриба участкаси ва чорвачилик фермасига Ш.Равшанов раҳбарлик қилмоқда.

Институт фаолияти, натижалари ва истиқболи

Институт ўз фаолияти давомида қишлоқ хўжалиги фанининг ривожланишига мухим хисса кўшди: 70, 90 ва 60 см катор оралиғида паҳтани парваришлаш ва йигиб-териб олиш ишларини бажариш учун паҳтачилик тракторларининг параметрларини ва уларга қўйиладиган агротехник талабларни ишлаб чиқди; озуқа моддаларни рационал таъминловчи икки ярусли хайдаш назарияси ва плуг параметрларини асослади; паҳта экишда оғир тупроқларга экишдан олдин қатламлаб ишлов бериш ўрганилди ва асосланди; паҳта далаларининг бир ва кўп йиллик бегона ўтлари билан кураш ва бегона ўтларнинг қайта ўсиб чиқишининг олдини олувчи механизмларининг параметрлари, механик турлари ва усул (механик, кимёвий ёки аралаш)ларнинг технологик асослари ишлаб чиқилди; кўччатларни кўлда ягана қилишни бартараф қилувчи, туксиз ва қобиқлантирилган чигитларни аниқ экувчи сеялкаларнинг ҳамма механизмлари назарияси, ҳисоблари ва технологик асослари ишлаб чиқилди; минерал ва органик ўғитлар аралашмаларини тупрокка солиш технологик асослари ишлаб чиқилди; паҳта ҳосилдорлигини оширишни таъминловчи ўғит солгичларнинг ишлаш тартиби ва параметрлари асосланди; паҳтани паҳта териш машиналари билан териш тўлалигини таъминловчи технологик асослар ва тавсиялар яратилди. Институтнинг фаолият йиллари давомида 60 хилдан ортиқ машина ва мосламалар ишлаб чиқилди ва улар ҳамма паҳта экувчи Республикалар ва жаҳоннинг кўплаб ривожланаётган давлатлари далаларида кўлланилиши амалга оширилди.

Институтда паҳтачилик бўйича БМКБ ва машинасозлик заводлари билан ҳамкорликда жаҳон машинасозлигига аналоглари бўлмаган ингичка толали паҳтани терувчи машина, кўп звеноли трактор тиркамалари поезди, каноп йигиштирувчи комбайн, бегона ўтлар илдизларини териб олувчи ва паҳта экинига йўлдош экинларни парваришлаш ва йигиб-териб олиш машиналари комплекси яратилди. Институт фаолияти давомида паҳтачилик жараёнларини механизациялаш машиналарининг олтита авлоди ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ қилинди. Институтда 344 нафар фан номзодлари ва 14 нафар фан докторлари тайёрланди.

Институт номига ихтиро бўйича 850 та муаллифлик гувохномалари ва Ўзбекистон Республикасининг 87 та патентлари олинди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш ва илмий кадрлар тайёрлаш соҳасидаги эришган мувваффакиятлари учун институт Мехнат Қизил Байрок ордени ва Республиканинг кўплаб эсадалик ва кўчма байроқлари, давлат медаллари ва XXЮКнинг олтин, кумуш, бронза медаллари, давлат мукофотлари ва фаҳрий ёрликлари билан тақдирланган. Бир иш – “Тупрокка асосий ва экишдан олдин ишлов бериш тизимларини ишлаб чиқиш” (Ф.А.Соколов) собиқ Совет Иттифоқи Давлат Мукофоти билан тақдирланган.

Ўзбекистон Республикасининг Абу Райхон Беруний номли Давлат Мукофоти билан учта иш тақдирланган:

- “1965-1970 йиллар машиналар тизимини ишлаб чиқиш” (П.В.Спиридовон, С.В.Амплеевская, А.Н.Мартинов, Ф.А.Соколов);
- “Кўп звеноли трактор поездларини яратиш ва тадбиқ қилиш” (Н.Р.Рашидов, А.Хожиев, А.Исмоилов, М.Я.Якубов);
- “КУ-0,2 каноп йиғиштирувчи комбайнни ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш” (О.Абдуқодиров ва Ш.Мифтахов).

Фан ва техникани ривожлантириш ишларига ва янги машиналар яратиш ва улардан самарали фойдаланиш ва юқори даражали кадрлар тайёрлашга кўшган шахсий ҳиссалари учун Г.М.Рудаков, А.Х.Хожиев, Н.Рашидов, Ш.У.Йўлдошев, М.Ахмеджанов Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзолари бўлиши.

Кўп йиллик самарали меҳнати, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига Фан ютуқларини тадбиқ этганлиги учун Г.М.Рудаков, Ф.А.Соколов, Н.Р.Рашидов, А.Х.Хожиев, Ш.У.Йўлдошевларга “Фан ва техниканинг хизмат кўрсатган арбоби”, В.Т.Данильченко, М.С.Фаниев, В.А.Сергиенко, Р.И.Бойматов, А.Ю.Абдумуталов, А.Рахманов, Д.М.Шполянский, В.Н.Горн, О.Абдуқодировларга “Республикада хизмат кўрсатган механизатор”, Л.И.Магайга – “Республикада хизмат кўрсатган агроном”, Е.Я.Яшева, Л.Г.Щуроваларга – “Республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими”, В.И.Пакга – “Республикада хизмат кўрсатган муҳандис”, В.П.Хрусталевга – “Республикада хизмат кўрсатган ихтирочи унвонлари” берилди.

Ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамай, яратилаётган машиналарни оптималь параметрлар асосида лойиҳалаштириш ва тайёрлашга маблағларнинг етишмаслиги, етакчи илмий ходимларнинг нафақага чиқиб кетганлигига ва ёш мутахассисларнинг бошқа ташкилотларга ўтиб кетганлигига қарамай ҳозирги кунларда ҳам институт давлат илмий-тадқиқот мавзусидаги ишларни давом эттироқда ва ўзининг 75 йиллик юбилейига давлат мавзусидаги мажбуриятларни тўла бажарди. Жумладан, қатор ораларига ишлов берувчи 4 гилдиракли универсал, юқори маневрли трактор учун танланган механик рул трапецияси схемасининг асосий параметрлари назарий асосланди. “Магнум” трактори учун умумий плугларнинг параметрларини асослаш бўйича назарий ва тажрибавий изланишлар ўтказилди. Юқори қувватли “Магнум” тракторлари учун О’Р-4/5-40 умумий ва ПД-4-45 икки ярусли плуглар, 3- ва 4-синф гилдиракли ва занжирли тракторлар билан агрегатланадиган икки ярусли ва умумий ишларга мўлжалланган МР-2/3-45, АМР-2/3-45, О’Р-3/4-40 ва ПН-3/4-35 плуглари синовларнинг ҳамма босқичларидан ўтиб, ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

Плёнка тагига ва очик майдонларга экиш учун 600 т пахта чигити кобикланди ва турли минтакаларда жорий синовлар ўтказиш учун республиканинг Андикон, Хоразм, Наманган, Сирдарё ва Тошкент вилоятларига жўнатилди. “Ўзбекқишлоқмаш” ОҲЖ билан ҳамкорликда битта дискали иш органли дон сеялкасининг тажрибавий намунаси ишлаб чиқилди ва тайёрланди. Горизонтал шпинделли “Кейс” пахта териш машинасидан фойдаланиш технологияси бўйича тавсиялар лойиҳаси тайёрланди. Фўзапояни майдалаш ва хосил қолдикларини тез йигиштириб олиш учун қурама машина конструкцияси қайта ишланди. Буғдој учун мини янчич ва шолини сувга экувчи сеялка параметрларини асослаш бўйича назарий ва тажрибавий изланишлар олиб борилди. Беда уруғи дуккакларини ишқалаш, ҳашагини йиғиш, янчиш ва дағал ҳашакни майдалаш машиналари параметрлари қайта ишланди ва асосланди. 2001-2010 йилларга мўлжалланган “Кишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаш машиналар ва технологиялар тизими” ва 2006-2010 йиллар учун “Асосий қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар” (1-ва 2-кисм) ЎзҚХИИЧМнинг қатор илмий-тадқиқот институтлари, КСХВ, “Ўзишлопхўжаликмаш-Холдинг” ҲК, “Ўзагромашсервис” Ассоциацияси мутахасислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди, нашрдан чиқарилди ва тадбиқ этилди.

Ҳозирги кунда институт республика аҳамиятидаги 12 та нуфузли мавзуларда илмий-тадқиқот ишлари олиб бормокда.

ЎзР ҚСХВ ва Туркия жумхурияти ривожланиш департаменти (ТИКА) ҳамкорликда ЎзМЭИда 0,5 га майдонда иссиқхона қурилди ва 2008 йил 23 апрелда ишга тушириди (Ё.Б.Холиёров). ЎзМЭИ Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда “Дон ҳосилдорлигини ошириш” лойиҳаси бўйича Қўйи Чирчиқ, Зомин ва Каттакўргон туманлари фермер хўжаликлари кўргазма далаларида пахта ва дон экинларидан бўшаган майдонларни Туркиянинг “ДАНСНІ” фирмаси М.01.03 русумли лазер бошкарувли ер текислагичнинг “КЛААС” фирмасининг ARES 697 АТЗ тракторига агрегатлаб, лазерли ер текислаш ишлари, замонавий экишдан олдин тупроққа ишлов бериш машиналари ва турли сеялкалардан фойдаланиб ресурстежамкор технологиялар бўйича тупроққа ишлов бериш ва экиш ишлари олиб борилмоқда ва машиналар ва фермер хўжаликлари мутахассислари учун семинарлар ўтказилмоқда (Ё.Б.Холиёров).

Республикамида соя етиштириши ривожлантириш максадида Кореянинг “КОICA” ташкилоти билан ҳамкорликда институтнинг тажриба даласида пахтачилик техникаларидан фойдаланган ҳолда агротехник тажрибалар ўтказиш бошлианди (А.Қораҳонов).

Республика қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳаси фанининг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олиб, институт қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш соҳасида истиқболли илмий йўналишлар қўйидагилар деб ҳисоблади: жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари техника ва фани ютуқларини ўрганиш ва уларни бизнинг шароитларимизда республика қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштиришда қўллаш нуқтаи назаридан ўрганиш; янада самарали механизация техника воситалари яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш мақсадида мавжуд техника ва технологик жараёнларни мукаммаллаштириш; ишлаб чиқариш талабларига илмий изланишларни максимал якинликда 2020 йилгача бўлган узок келажак учун истиқболли машиналар тизимини ишлаб чиқиши давом эттириш; чет мамлакатлардан келтирилган трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналарининг адаптацион синовларини ўтказиш ва уларни бизнинг республика қишлоқ хўжалигига тадбиқ қилиш; фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик техникаларидан, шу жумладан чет эллардан сотиб олинган техникалардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Институтнинг ташкил топишида ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига механизациянинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган таниқли олимлар

Зинин Тимофеј Григорьевич, хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, Абу Райхон Беруний номли Давлат Мукофоти лауреати, ВАСХНИЛнинг мухбир-аъзоси (1912-1992 й.). Зинин Т.Г. Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институтини (ТИИИМСХ) (1931-1935 й.) тамомлагандан сўнг пахтанинг механизацияси ва агротехникии Марказий станцияси (ЦСМАХ Союз НИХИ) илмий ходими, бош инженери, 1954-1960 й. да Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтининг Фан бўйича директори муовини бўлиб ишлади, республиканинг марказий ташкилотларида раҳбарлик ишларида хизмат қилди.

ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё Бўлими фаолияти даврида у бўлимнинг қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш бўлимига етакчилик қилди.

Т.Г.Зининнинг илмий изланишлари пахтанинг катор ораларига ишлов бериш технологиясини такомиллаштириш ва культиватор-ўғитлагичининг биринчи нусхаларини яратиш ҳамда пахта теримини механизациялашга қаратилган. У пахтачиликни комплекс механизациялаш учун машиналар тизимини яратиш назарияси ва услубининг муаллифидир. У пахтанинг кенг катор оралигини ва улардан хосилни териб олишни тадбиқ этишининг фаол ташаббускоридан бири ҳамдир. Қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот ишларининг мувофиқлаштирувчиси ва уларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқа-ришига тадбиқ этишининг ташаббускори бўлган.

Рудаков Григорий Михайлович, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, ВАСХНИЛ академиги (1925-1991 й.). Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1943-1945 й.). 1950 йилда Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институти (ТИИИМСХ)ни тамомланган, аспирантурада тахсил олган, ЎзМЭИнинг лаборатория ва бўлимига раҳбарлик қилган (1950-1972 й.), ЎзМЭИнинг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаган, 1972-1975 йилларда ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими академик-котиби бўлган, 1975 йилдан умрининг охиригача яна ЎзМЭИнинг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаган.

Унинг илмий фаолияти тупроқка ишлов бериш, ғўза уругини экиш, тупроққа ўғит, гербицид солиш учун янги машиналар ишлаб чиқиш ҳамда истиқболли машиналар тизимини яратиши билан узвий боғлиқидир.

Унинг раҳбарлиги остида ва Г.М.Рудаковнинг бевосита иштирокида уяга белгиланганча уруғ ташлаб пахта эқадиган сеялка, тупроққа қатламлаб ишлов бериш технологияси, икки ярусли ПЯ-3-35 плуги, чизель-культиватор, бегона ўтларга карши гербицидлар билан ва бегона ўтлар илдизларини ажратиб олиш билан карши курашиш технологияси ва бу технологиялар учун машиналар мажмууси яратилган.

У 286 та чоп этилган илмий ишлар муаллифидир, шулардан 43 таси ихтиrolардир. Унинг раҳбарлигига ва илмий маслаҳатлари билан 35 та номзодлик ва 2 та докторлик диссертациялари химоя қилинган.

Иргашев Хидириали Иргашевич, техника фанлари номзоди (1917-1965 й.). Х.И.Иргашев 1941 йилда Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институти (ТИИИМСХ)ни тамомлагач, армия сафига чакирилди ва иккинчи жаҳон уршида фашизмга карши жанг қилди. Фронтдан яраланиб қайтди.

1958 йилгача Республиканинг раҳбарлик ташкилотларида турли лавозимларда ишлади. 1958-1961 йилларда Ўрга Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (САИМЭ)га бошчилик қилди, бу ерда унинг ташкилотчилик кобилияти ёрқин намоён бўлди. Бу кисқа муддатда институтнинг янги биноси курилди, ТИИИМСХ ва ТашПИдан илмий ишларга кўпгина ёш мутахасислар жалб этилди, уларнинг баъзилари республикада таникли олимлар бўлиб етишди. Натижада САИМЭ нафақат Марказий Осиё республикаларида, балки МДҲ давлатларида ҳам таникли бўлган фан марказларидан бирига айланди.

Х.И.Иргашев институтга раҳбарлик ишлари билан илмий фаолиятни мохирлик билан қўшиб олиб борди, у асосан ғўза қатор ораларига ишлов бериш ва унумдорлигини оширишга бағишиланган, ўша даврда ўта жиддий муаммо бўлган экинларни кўл билан (кетмон билан) чопик қилишни йўқ қилиш ташаббускоридир.

Фаниев Мажид Сайдович, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатган механизатор (1917-1999 й.). Фаниев М.С. Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институти (ТИИИМСХ)ни тутатгандан сўнг (1937-1942 й) Самарқанд вилоятининг МТСларида раҳбар, инженерлик лавозимларида (1942-1945 й) ишлаган, 1945 й да эса ЎзССР ҚҲВнинг механизация бошкармасига ишга ўтказилган.

1948 йилда СоюзНИХИнинг аспирантурасига ўқишга кирди. Аспирантурани тутатгандан сўнг у САИМЭга ишга юборилди. 1955 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади. 1964 йилгача лаборатория раҳбари, сўнгра бўлим раҳбари бўлиб ишлади. 1964-1974 йилларда аввал директор ўринбосари, кейин эса САИМЭ директори бўлиб ишлади. 1972 йилда докторлик диссертациясини химоя қилди, 1974 йилда эса унга профессор илмий унвони берилди.

М.С.Фаниев САИМЭ директори бўлиб ишлаш билан бирга ўз ишини илмий фаолият ва уларнинг натижаларини қишлоқ хўжалигига тадбиқ этиш билан узвий боғлаб олиб борди.

Шу йиллар давомида М.С.Фаниев ўзининг шогирдлари билан СКО-2,4, СКО-3,6 кўрак териш машиналари ва КВ-4А, КВ-3,6 ғўзапоя юлиш машиналарини яратиш ва тадбиқ этишга сезиларли хисса қўшди.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасида етакчи олимлардан бири бўлиши билан бирга республиканинг ҳозирги ва келажак тарихи ривожи ёшларга боғлиқ эканлигини тушунган ҳолда у ёшлар билан ишлашга кўп эътибор берди, унинг даврида иинститутда номзодлар сони ошди ва 2 нафар техника фанлари доктори етишиб чиқди.

М.С.Ғаниев (шогирдлари билан) 200 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи ва 41 ихтирога муаллифлик гувохномаларига эга.

Ҳожиев Абдумуталиб Ҳожиевич, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Фан арбоби, Абу Райхон Беруний номли Давлат мукофоти лауреати, академик (1936 й.). Ҳожиев А.Х. Ўрта Осиё политехника институтини 1958 йилда тамомлагандан сўнг шу институттинг асистенти (1958-1961 й.) бўлиб ишлади. Сўнг Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институттинг аспирантурасига ўқишига кирди (1961-1964 й). Кичик илмий ходим (1964 й.), катта илмий ходим (1964-1965 й), лаборатория раҳбари (1965-1970 й), илмий ишлар бўйича САИМЭ директорининг ўринбосари (1970-1974 й), САИМЭ директори (1974-1998 й.) бўлиб ишлади. Ҳозирги вақтда институттинг илмий маслаҳатчиси, лаборатория раҳбари, А - 13. 079 гранти раҳбари (2006-2008 й.) бўлиб ишламоқда.

А.Х.Ҳожиевнинг илмий ишлари минерал ўғитларни локал беришнинг жадал технологиялари асосларини ва уларни амалга оширувчи техник воситалар, ишчи органлар ва мосламаларни яратишга қаратилган бўлиб, озуқа моддаларни уя ва фўза илдизлари яқинига бир текис жойлаштириш, ерларга экиш олди ишлов бериш операцияларини шунингдек минерал ўғитларни солиши билан экишни кўшиб олиб бориши имконини яратади. Бу ҳолда ўғитлар дала бўйлаб сочиб юборилмайди, балки локал ҳолда кенг лента ҳолида ерга солинади, экиш ва ғўзаларни озиқлантириш даврида ҳам локал ҳолда икки катламда солинади.

Академик А.Х.Ҳожиевнинг назарий ва экспериментал тадқиқотларининг натижалари модернизациялаштирилган ЧКУ-4М чизел-культиватори, ПВУ-3,0 мосламали оғир дискли БДТ-3,0 боронада, чукур юмшатгич ГРХ-2-50 да ўз татбифини топган. Кенг ленталарда солинган минерал ўғитларни ёпиш учун янги ишчи органли ва ўғит соловччи аппаратли такомиллаштирилган чизел-культиватор ОАЖ “Чирчиқишилоқхўжаликмаш” заводи томонидан 1985 йилдан бошлаб кўплаб ишлаб чиқарилган, дискли БДТ-3,0 боронасига мосламанинг тажриба нусхалари тайёрланган ва кенг хўжалик синовлари ўтказилган. ОАЖ “Чирчиқишилоқхўжаликмаш” ҳозирги давргача ишлаб чиқараётган пахта культиваторлари А.Ҳожиев томонидан пахтачилик бўйича БМКБ билан ҳамкорликда яратилган озиқлантирувчи ўғит сошниклари ва ўғит солиши аппаратлари билан жихозланмоқда.

У туксизлантирилган чигитни қобиқлаш технологияси техник воситаларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришига тадбиқ этиш ишларига раҳбарлик килмоқда.

Жамоага 24 йил давомида раҳбарлик қилган даврда у институт олимларини конструкторлик ташкилотлари, машинасозлик заводлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамжиҳатлиқда ишлашларини таъминлаш билан бир қаторда юқори малакали илмий ходимлар (фан номзодлари ва докторлари) тайёрлашга алоҳида эътибор берди, собиқ Иттифоқ ВАКнинг институттда техника фанлари номзодлари ва докторлари илмий даражаларини олиш учун диссертациялар химоя килиш бўйича ихтисослашган Кенгашини очишига рухсат беришига эришди.

А.Х.Хожиев шогирдлари билан биргаликда 285 та илмий мақола, иккита монография, тўртта илмий-аммабоп китоблар чоп эттирган, 48 та ихтирога муаллифлик гувоҳномалари ва патентлар олган. Унинг раҳбарлигида техника фанлари бўйича 21 нафар аспирант ва докторантлар номзодлик ва докторлик диссертацияларини химоя қилган.

Бойматов Рустам Исаевич, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатган механизатор (1936 й.). Бойматов Р.И. Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институтини тамомлагандан сўнг 1959 йилда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтига (САИМЭ) ишга юборилди.

Р.И.Бойматовнинг илмий фаолияти ЎзМЭИ билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у ерда илмий ходим, лаборатория ва бўлим раҳбаридан то илмий ишлар бўйича директор ўринбосаригача бўлган йўлни босиб ўтди. Шу йиллар ичida танланган илмий йўналишга содик қолди. 1991 йилдан бугунги кунгacha Р.И.Бойматов ЎзМЭИ директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишлаб келмоқда.

Унинг илмий ишлари асосан Республикадаги сұғориладиган ерларнинг тупроқ-иқлим шароитларини хисобга олган ҳолда юқори унумдор, қувват-ресурс тежайдиган тупроқка ишлов берувчи машиналарнинг механик технологик асосларини ишлаб чиқишига ва ўлчамларини асослашга багишлаган.

Р.И.Бойматовнинг раҳбарлигида ва бевосита иштирокида ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари ОАЖ “БМКБ-Агромаш” томонидан яратилган АБН-8,5 боронолаш агрегати, КФГ-3,6 фрезали чуқурюмшатгич култиватори, ЧКУ-4А такомиллаштирилган чизел-култиватори, ПЯ-3-35 икки ярусли плуг, ВКС-1,8 бегона ўтлар илдизларини йиғиширувчи машина ҳамда ПД-4-45, ПДО-4-45 икки ярусли плуглар, О‘Р-4/5-40 плуги, катта қувватга эга бўлган тракторлар билан ишловчи ГРП-3/5 чуқурюмшатгичлар асосини ташкил этади.

Р.И.Бойматов 295 та илмий ишлар, жумладан 2 та рисола, 4 та монография ва 62 та ихтироси учун муаллифлик гувоҳномалари ва патентларга эга. Унинг раҳбарлигида 2 нафар илмий ходим докторлик ва 20 нафар аспирант номзодлик диссертацияларини химоя қилган.

Рашидов Носир Рашидович, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу Райхон Беруний номидаги давлат мукофоти лауреати, академик (1936-2002 йиллар). Н.Р.Рашидов Ўрта Осиё политехника институтини (1953-1958 йиллар) тамомлагандан кейин “Ташсельмаш” заводининг (19559-1960 йил) йигув цехида уста, Ўзбекистоннинг илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш Давлат Кўмитасида катта мухандис (1960-1963 йилларда) бўлиб ишлади.

1963-1966 йиллари Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти аспирантурасида ўқиди, сўнгра шу институтда илмий ходим (1966-1968 йил), лаборатория (1968-1969 йил) ва бўлим (1969-1992 йил) раҳбари, 1992-2002 йилларда эса Жиззах политехника институтининг ректори лавозимида ишлади.

Н.Р.Рашидов қишлоқ хўжалигида транспорт ва юклаш-тушириш ишларини механизациялаш соҳасидаги таникли олим бўлган. Унинг илмий изланишлари кўп звеноли трактор поездларининг кинематика ва динамикаси назариясини ишлаб чиқишига йўналтирган. У ўз шогирдлари билан биргаликда дунё миқёси даражасида трактор поездларининг тормоз системаси параметрлари ва бурилувчанлигини асослади, шунингдек у катта трактор прицеплари, грейферли юклагичлар ва асаларилар учун павилион параметрларини асослади, тукли чигитларни қобиклаш бўйича техника воситаларини яратиш ва уларни ишлаб чиқишига жорий этишга раҳбарлик килди.

Н.Р. Рашидов бешта монография ва китоблар, 160 дан ортиқ илмий-оммабоп мақолалар ҳамда 100 дан ортиқ ихтиrolар муаллифидир. Унинг раҳбарлиги остида 17 нафар аспирант номзодлик ва 1 нафар илмий ходим докторлик диссертация ишлари химоя қилинган.

Йўлдашев Шукрулло Убайдуллаевич, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик (1935 йил). Йўлдашев Ш.У. 1957 йили Ўрта Осиё политехника институтини тамомлагандан сўнг 1959-1962 йилларда САИМЭ аспирантурасида ўқиди. Сўнгра 1962-1964 йилларда шу институтда кичик, катта илмий ходим бўлиб ишлади.

1964-1967 йилларда ГОСНИТИнинг Ўрта Осиё филиалида лаборатория раҳбари, 1974-1977 йилларда САИМЭда директорнинг илмий ишлар бўйича биринчи ўринбосари лавозимларида ишлади.

1977-1991 йиллари ТИИИМСХ да кафедра мудири ва проректор лавозимларида ишлади. У 1991 йили Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлар академиясининг академиги ва вице-президенти, 1995 йили эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи чақириғининг депутати этиб сайланди.

2004 йилдан ТИМИ ва ТошДАУларда “Агроинженерия” йўналиши бўйича ишлаб келмоқда.

Ш.У.Йўлдашев 70 йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган машиналарнинг техник имкониятларини очиб бериш ва машиналарнинг техник даражасини баҳолаш бўйича чукур изланишлар олиб борди. Бу йиллар давомида у ТИИИМСХда номзодлик диссертацияларини химоя қилиш бўйича кенгаш раиси лавозимларида ишлади.

Ш.У. Йўлдашев терим машиналарнинг техник даражасини ошириш ва иш кўрсаткичларини баҳолаш бўйича илмий мактаб яратди. Шунингдек машиналар техник даражасини оширишнинг илмий асослари, мақсади ва принципларини ишлаб чиқди.

Ш.У. Йўлдашев 6 монография ва дарслеклар, 320 дан ортиқ илмий ишлар ва илмий услубий қўлланмалар, 19 ихтиро, ҳамда кўпгина технологиялар ва техник хизмат кўрсатишлар, шунингдек техник жихозлаш конструкциялари бўйича ишларнинг муаллифи. Унинг раҳбарлигига 4 нафар илмий ходим докторлик ва 28 нафар аспирантлар номзодлик диссертациялари ёқлашган.

Ахмеджонов Маматхон Ахмеджонович, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор, академик (1927-2004 йиллар). Ахмеджонов М.А. 1959 иили Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти (ТИИИМСХ)нинг қишлоқ хўжалигини механизациялаш факултетини тамомлагандан сўнг Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (САИМЭ)га ишга юборилган.

Унинг илмий фаолияти ЎзМЭИ билан бевосита боғланган бўлиб, аспирантурада ўқиш билан бошланди ва лаборатория бошлиги лавозимида давом эттирилди.

М.А.Ахмеджоновнинг асосий илмий фаолияти ерларни жорий ва экишдан олдин текислашда қўлланиладиган машиналарни яратишга йўналтирилган эди. Унинг илмий раҳбарлиги ва бевосита иштироқида ГН-2,8, ГН-4,0 пичоқли грейдерлар, МВ-6,0 мола-текислагич, ВП-8,0 экишдан олдин текислагич, ВК-1,2, КН-0,6 канал ковлагич, П-2,8, ППА-3,1 узун базали текислагич кабилар ишлаб чиқишига жорий қилинди.

М.А.Ахмеджонов 228 та илмий иш, 14 та ихтиrolар муаллифи. Унинг раҳбарлиги остида 12 нафар аспирант номзодлик диссертация ишларини химоя қилган.

Шполянский Давид Менделеевич, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор (1921-1985йиллар). Шполянский Д.М. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти (ТИИИМСХ)ни тугаллагандан сўнг САИМЭ га юборилди.

1956 иили номзодлик диссертациясини химоя қилган. 1979 йилда эса “Пахта териш машиналарининг агротехник кўрсаткичларини ошириш ва универсаллаштиришнинг илмий асослари” докторлик ишини химоя қилди. 1982 йилда унга профессорлик унвони берилди. У 35 йил давомида САИМЭда ишлади. У пахта йигим-терим жараёнларини механизациялаш соҳаси бўйича етакчи олим бўлган.

Шполянский Д.М. пахта йигим-терим машиналари асосий иш органларининг параметрларини асослаш (шпиндел барабанининг диаметри, шпинделнинг турлари ва параметрлари, ПРК ва ПДК мосламалари, тозалагичлар, иш органларининг жойлашиш схемалари, пахта териш технологияларининг мақбул схемалари) бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борган .

Унинг раҳбарлигига САИМЭ ходимлари томонидан ГСКБ билан хамкорликда “Ташсемаш” томонидан 1977-1986 йилларда кўплаб ишлаб чиқарилган терим машиналари учун XНР-1,8 (тозалагичли), XBA-1,2 ва XBB-1,8 (уругли пахтани териш учун), XBН-1,2A (ингичка толали пахтани териш учун) пахта териш машиналарини яратилди.

У 250 дан ортиқ илмий ишлар, 2 та монография, 2 та ўқув қўлланма, 127 та ихтиrolар муаллифи. У кўплаб орден, медал ва фахрий ёрликлар билан тақдирланган.

Унинг раҳбарлигига 25 нафар аспирант ва илмий тадқиқотчилар ўз диссертация ишларини ҳимоя килган.

Куламетов Назим Абдураимович, техника фанлари доктори, профессор (1935 йил). Куламетов Н.А. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти (ТИИМСХ)ни тугаллагандан сўнг САИМЭ га ишга юборилди. Бу ерда у кичик илмий ходим даражасидан то институт лаборатория раҳбари даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Куламетов Н.А. шогирдлари, бошқа илмий-тадқиқот институтлари ва конструкторлик ташкилотлари билан пахта ҳосилининг қолдикларини йиғиш ва тозалаш, ғўзапояни йиғиш ва тайёрлаш бўйича турли технология ва усуллар, машина ва аппаратлар ишлаб чиқсан, жумладан пахта қолдикларини қўқ кўсақдан ажратиб олиш технологияси, далани ғўзапоялардан тозалаш технологияси, вилтга карши механик кураш усули, ғўзапояни органик ўғит сифатида майдалаш технологияси, саноатда ғўзапояни қайта ишлаш, сақлаш технологияси, ПКГ-2+ППЛ-Ф-1,6Х корчевателлар, СИ-3,6 универсал майдалагичлар, фермер хўжаликлари учун кичик озука майдалагичлар ишлаб чиқилган.

У 12 нафар фан номзодини тайёрлади. 194 та илмий ишлар, 1 монография нашр қилдирган. 42 та ихтиро ва патентлар муаллифи.

Тўхтакўзиев Абдусалим, техника фанлари доктори, профессор (1950 йил). А.Тўхтакўзиев Тошкент политехника институти (ТошПИ)ни тамомлагандан сўнг 1971-1973 йилларда Фаргона полетехника институтида асистент бўлиб ишлади. 1973 йил октябр ойидан ЎзМЭИ да иш бошлади. У бу ерда 1973-1991 йилларда конструктор, аспирант, илмий ходим, сектор раҳбари бўлиб ишлади. 1991 йилдан “Тупроққа экишгача ишлов беришни механизациялаш” лабораторияси раҳбари бўлиб ишлайди.

1979 йили номзодлик диссертациясини, 1998 йили докторлик ишини ҳимоя қилган.

Тўхтакўзиев А. тупроққа ишлов берувчи машиналарнинг сифат ва иш кўрсаткичлари ҳамда унумдорлигини ошириш, уларнинг материал ва қувват тежамкорлигини таъминлашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб боради. Ўтказилган тадқиқотлар асосида конструкторлик ташкилотлари томонидан тезкор БЗТХ-1,0 тишли борона, ЧҚУ-4А такомиллаштирилган чизел-култиватор, қатор ораларига ишлов берадиган универсал КХУ-4А култиватори ва икки ярусли ПД-4-45, МП2-2/3-45, АМП-2/3-45 ва умумий ишларга мўлжалланган ПН-3/4-35, О’Р-4/5-40, О’Р-3/4-40 плуглари, ЧК-4-6 чизел-култиватор, ТДБ-3/5 дискли борона, РВН-8,5, ЕТА-10 юмшатгич текислагичлар яратилиб, ишлаб чиқаришга қўйилган.

180 дан ортиқ нашр этилган ишлар, 70 дан ортиқ ихтиро муаллифидир. Унинг раҳбарлигига 10 нафар аспирант номзодлик диссертацияси ҳимоя қилган.

Курценко Леонид Михайлович, техника фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор (1936-2005йил). Курценко Л.М. Олтой қишлоқ хўжалиги институтида (1955-1957 йил) ва сўнгра Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институт (ТИИИМСХ, 1957-1960 йил)да таҳсил олган. Институтни тугаллагандан сўнг САИМЭ (1960-1963йил)да илмий ходим бўлиб ишлади. У 1963-1966 йилларда аспирантурада ўқиди. 1966-1981 йилларда илмий ходим, 1981-1992 йилларда лаборатория раҳбари, 1992-2000 йилларда етакчи илмий ходим бўлиб ишлади.

У бажарган илмий ишларининг асосий қисми қишлоқ хўжалик маҳсулотларини юклаш, ташиш ва тушириш ишларини механизациялашга йўналтирилган. Хусусан у минерал ўғит юклагич, катта ҳажмли прицеп, грейферли юклагич параметрларини асослаш билан шуғулланган. Унинг изланишлари натижасида ПГХ-0,5 универсал юклагич сериялаб ишлаб чиқарилган.

Курценко Л.М. 90 дан ортиқ илмий ишлар ва 36 ихтиро мувалифи. Унинг раҳбарлигига 2 нафар илмий ходим ўз диссертация ишларини химоя қилишган.

Муродов Мустафо, техника фанлари доктори, профессор (1939 йил). Муродов М. Тошкент политехника институтини (ТошПИ, 1962йил) тамомлагандан сўнг, 1962-1966 йиллари ТошПИ Бухоро филиали асистенти бўлиб ишлади. 1966-1971 йилларда Ўрга Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрирлаштириш илмий-тадқиқот институти (САИМЭ)да аспирант, 1971-1989 йиллари ТашибПИ Бухоро филиалида кафедра мудири, декан, профессор лавозимларида ишлаган. 1989 йилдан Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноати институтидаги (1989 йилдан) кафедра мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

У илмий ишларни ўқитувчилик ишлари билан кўшиб олиб борди.


М.Муродовнинг илмий ишлари тупроқка ишлов беришда агротехник кўрсаткичларни яхшилаш ҳамда қувват тежамкорликни таъминлашга ҳамда ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларининг заарарли зичланишини камайтиришга қаратилган.

У 179 та илмий ишлар, шунингдек 10 та монография, 6 та ихтиrolар мувалифидир. Унинг раҳбарлигига 6 нафар аспирант номзодлик диссертация иши тайёрлаган ва химоя қилган.

Институтнинг етакчи олимлари: Ф.А.Соколов, П.В.Спиридонов, В.А.Сергиенко, А.Ю.Абдумуталов, Е.Я.Яшева, Ф.И.Решетников, А.Абдуқодиров, Л.И.Магай, А.Абдурахманов, Г.Н.Ким, В.Юдин, С.Наркулов, З.Курбаналиевлар Кўп йиллар давомида (40-45 йилдан ортиқ) механизация соҳасида назарий ва амалий масалаларни ҳал қилишда фаол ва самарали иштирок этишган. Ҳозирда А.Қорахонов, С.Султонов, Л.Ш.Алиқулова, А.Дадабоев, С.Ўсаров, М.Байиров, В.Батурин, К.Шокиров ва бошқалар хизмат қилмоқдалар.

Автор текста признательен Б.Хушвактову, О.Юлдашеву, Р.Адилжановой, С.Ўсарову, М.Байирову, А.Т.Росабоеву, К.Имомкулову за оказанную техническую помощь в оформление проспекта.

I. Первые машины не имевших аналогов



Вертикально-шпиндельная
хлопкоуборочная машина CXM-48



Вычесыватель корневищных
сорняков ВКС-1,8



Кенафауборочный комбайн КУ-0,2 А

II. Комплекс машин, разработанных институтом в содружестве с конструкторскими организациями и машиностроительными заводами



Двухъярусный плуг ПЯ-3-35



Чизель-удобритель ЧКУ-4М



Агрегат бороновальный навесной АБН-8,5



Двухъярусный плуг ПД-4-45



Глубокорыхлитель ГРП-3/5



Хлопкоуборочная машина с пневмоподборщиком ХНП-1,8



Куракоуюорочная машина СКО-3,6



Многозвенный тракторный поезд



Косилка КПП-2



Дробилка измелчитель ДИП-62



Лубоотделитель ЛО-1

III. Машины, разработанные в последние годы



Комбинированная машина для корчевания, измельчения стеблей хлопчатника и сева пшеницы



Многофункциональная сеялка для посева семян различных культур



Цех для дражирования опущенных семян хлопчатника и других культур



1).



3).

Комплекс машин для посева риса по воде (3 машины)



Плуг общего назначения
О'Р-4/5-40



Оборудования для обработки и очистки семян от карантинных включений



Овошеводческий трактор ТТЗ-100 SP
(УзМЭИ, УзНИИОБКИК и СКБ
«Трактор»)



Электросепаратор ЭЧС